



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 301-308 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТЎЛОВ УСУЛЛАРИ – ТЎЛОВ АЙЛАНМАСИННИГ МУХИМ ЭЛЕМЕНТИ



И.Сайфидинов

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти, и.ф.н.*

Аннотация: Тўлов айланмасида қўлланилиши лозим бўлган тўлов усуллари икки томонламалик характерга эга. Бунинг сабаби шундаки, бир томондан, тўлов усулларининг узлуксиз фаолият қўрсатиши шартнома муносабатларига риоя этиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, бюджетни ижро этиш, кредит ва фонд бозорлари ривожланишининг омили ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, бъязи бир тўлов усулларининг таназзулли ҳолати хўжалик алоқаларининг узилишига, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, бюджет даромадларининг қисқаришига ва инфляциянинг ўсишига олиб келиши мумкин.

Калит сўзлар: Тўлов усуллари, кредиторлик қарзлари, тўлов усули, фонд бозорлари.

Тўлов айланмаси “носоғлом” лигининг сабаблари жуда кўп. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг биттаси тўлов самарали усуллари қўлланишининг сунъий равишда чекланишига бориб тақалади. Ҳолбуки, тўлов усуллари муаммосининг оқилона ҳал этилишига хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳатто миллий хўжаликнинг ҳам ликвидлигини таъминлаш, кўп жиҳатдан, боғлиқ.

Тўлов усулларининг таркиб топиши тўлов манбалари (пул, кредит, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қўшиб ҳисобга олган ҳолдаги кредит атрофидаги шаклланмалар) ва улардан келиб чиқувчиларни нақд пул ҳамда банк ҳисоб варақларидаги пуллар кўринишидаги ўзаро ҳисобга олишларда қўлланиладиган, шунингдек, банк ва факторинг фирмалари ресурсларини тўлашда фойдаланиладиган кредит мажбуриятлари ва бошқа қарзий талаблар вужудга келиши билан бошланади.

Тўлов усули, соф ҳолда, бир тўлов манбаининг сифатини тўловнинг барча босқичларида, унинг бошланишидан тортиб то охиригача, яъни тугашигача сақлайди. Ўз навбатида, тўлов усулиниң моҳиятини аниқлаб берадиган тузилмавий элементлар тўловнинг манбаи, унга хос бўлган ҳаракатланиш шакли ва тўловнинг субъектларидан иборат.

Тўловнинг ҳар бир манбаига ҳаракатланишнинг маълум бир шакли хос. Масалан, агар нақд пулсиз пуллар билан тўловга бир ҳисоб варақдан Марказий банкнинг Ҳисоб-касса марказидаги бошқа бир ҳисоб вараққа пулнинг ўтказилиши хос бўлса, тижорат банкидаги ички кредит мажбуриятлари бўйича тўловлар учун эса қарзнинг ўтказилиши хосдир. Тўлов манбаи сифатида акцептланган ҳисоб-китоб

хужжатлари ўзаро талабларни ҳисобга олиш йўли билан ҳаракатланиш шаклига эга. Бевосита тўлов манбай сифатида фойдаланилаётган банкнинг ресурсларига талабларни банк томонидан сўнг реализация қилиш билан пулга сотиб олиш кўринишидаги ҳаракатланиш шакли тегишли. Уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган ўзига хос хусусият шундан иборатки, ҳар бир тўлов манбаига тегишли бўлган ўзига хос ҳаракатланиш шаклининг имконияти потенциал характерга эга ва тегишли шароитларда улар, албатта, намоён бўлади.

Тўлов контрагентларининг ўзаро талаблари фақат мавжуд бўлгандағина тўловчи томонидан акцептланган ҳисоб-китоб хужжатлари ҳисобга олиш учун фойдаланилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса тўловчи томонидан акцептланган ҳисоб-китоб хужжатлари пул ва кредит кўринишидаги тўлов манбани ҳаракатга келтиради ёки факторинг обьекти бўлиб хизмат қиласи, яъни банк ресурслари ҳисобидан банк талабномани пулга сотиб олади. Ана шундай сотиб олиш учун шароит мавжуд бўлмаганда банкнинг ресурсларидан, кредит бериш воситаси ёки молиявий қуийлмалар сифатида, одатдаги тартибда фойдаланилади. Соф кўринища тўлов усулини қўллаш учун шароит бўлмаса, тўловнинг нақд пулсиз манбалари хилма-хил тўлов усуларининг ўзаро таъсир йўли билан ишлатилади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлар асосида, бизнинг назаримизда, тўлов усулига қуийдагича таъриф бўриш мумкин: **тўлов айланмасидаги тўловнинг ҳар бир манбаига хос бўлган ҳаракатнинг ўзига хос шаклига тўлов усули дейилади.**

Ҳозирги пайтда тўлов айланмасида қўлланилиб келинаётган ёки амалиётда мавжуд бўлган тўловнинг усуллари баъзи бир меъзонлар асосида туркумларга ажратиладиган бўлса, у ҳолда унинг қуийдаги усуллари мавжуд эканлиги маълум бўлади:

- пул орқали тўлов усули;
- кредит мажбуриятларини бериш йўли билан тўлов усули;
- клиринг, ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш бўйича тўлов усули;
- тўловнинг факторинг усули.

Юқоридаги тўртта усулларнинг орасидан энг асосийси пул ёрдамида тўлов усулидир. Пул ёрдамида тўловни амалга ошириш усули тўлов усулларининг тарихий ривожланиш жараёни нуқтаи-назаридан ҳам қуийдан юқорига қаралганда бирламчи бўлиб ҳисобланади: пул ёрдамида тўлов усули – кредит мажбуриятларини бериш йўли билан тўлов усули – клиринг, ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш бўйича тўлов усули – тўловнинг факторинг усули. Энди ана шу кетма-кетлиқда уларнинг ҳар бири хусусида, маълум даражада, тўхталиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Мамлакатимиз тўлов айланмасида пул билан тўловлар асосий ҳиссани ташкил этиб, тўлов айланмасида пулли тўловларнинг нақд пулли тарзда ҳаракатланиш шакли унинг эгалари учун, маълум даражада, фойдали ҳисобланади. Бу фойда нақд пулларнинг анонимлиги, уларнинг юқори даражада конфеденциаллиги ва ҳисоб-китоблар жараёнида харажатларнинг мавжуд эмаслиги билан боғланган. Бундан ташқари, нақд пулларнинг ҳаракатланиш шакли қонуний

тўлов воситаси сифатидаги улар мақомининг рағбатлантирувчи таъсири остида жойлашган.

Банклар кассаларига нақд пуллар оқиб келишининг пасайиши банк тизимининг ишончсизлиги, шунингдек, банклар томонидан нақд пуллар беришнинг омонатларни беришга, меҳнат ҳақи бўйича корхоналарнинг эҳтиёжларига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишга берилишининг чекланганлиги оқибатида содир бўлади. Бу ердаги қонуният қуидаги мазмунга эга: нақд пулли оқимлар қанчалик юқори даражада ёпиб қўйиладиган бўлса, улар ҳаракатланишида айланиб ўтувчи йўллар шунчалик фаол даражада пайдо бўлади. Бунга яна нақд пулларни жалб этишда тижорат банклари манфаатдорлигининг етарли даражада эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, келгусида тўлов айланмасида нақд пуллар билан тўловнинг шакли қисқариш характеристига эга. Бундай хulosамизнинг тўғри эканлиги бу шаклга хос бўлган қуидаги камчиликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади:

- нақд пулларнинг айланиш шакли амалиётда ўзининг самарали эканлигини кўрсатган электрон тижоратнинг ўсиш эҳтиёжларига зид келади;
- нақд пулли тўловлар банк кредити билан етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Нақд пулларнинг ҳаракатланиши, кўп ҳолларда, кредит тизимини айланиб ўтган ҳолда, ёпиқ доирада содир бўлади. Бу сабабга кўра банкларнинг ва бутун мамлакат хўжалигининг кредит ресурслари қисқаради.

Нақд пуллар билан тўловлар шаклининг камчиликлари нақд пулсиз тўловлар шаклининг ва асосан унинг электрон пуллар шаклининг қўлланилиши билан анча юмшатилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам электрон тижоратнинг кескин кенгайиши айланма маблағларнинг айланшини тезлаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади. Чунки унга кўра ўша капитал билан савдо ва савдо фойдасининг масштабини анча ошириш мумкин. Бундай мақсадга бир қанча омиллар, шу жумладан тўлов инструментларини электрон ижро этилишидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни тезлаштириш ёрдамида эришиш мумкин. Бироқ, афсуски электрон пулларнинг қўлланиш соҳаси бутун дунё миқёсида ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳамон учалик катта эмас.

Улгуржи товар-пул айланмасида электрон пуллар ўзининг дастлабки қадамларинигина ташлаяпти, холос. Чунки улгуржи товар айланмаси олдиндан товар ва ҳисоб варақнинг акцепт қилинишини тақоза этади. Шундай бўлишига қарамасдан, тўлов усуllibарининг орасида пул билан тўловлар устувор ўринга эга бўлиб қолаётган бўлса-да, бундай ҳолатнинг мавжуд эканлиги тўловнинг бошқа усуllibари, яъни кредит мажбуриятларини бериш, ўзаро талабларни ҳисобга олиш ва факторинг усуllibарининг аҳамиятини сира камайтиrmайди.

Кредит мажбуриятларини ўтказиш йўли билан тўлов усули амалиётда икки шаклда тарқалган. Унинг биринчи шакли таркибий тузилмасининг элементлари қарз олевчи ва кредит мажбуриятларини бир қарз берувчи (кредитор)дан иккинчисига ўтказилишининг ўзгармаслиги билан характерланади. Иккинчи шакл учун эса, аксинча кредитор ўзгармаган ҳолда қарз олевчилар ўртасида кредитнинг қайта тақсимланиши хос.

Биринчи шакл, масалан, қуидаги ҳолда, яъни бир банк доирасида тўловчининг ҳисоб-китоб ҳисоб варагидан маблағлар олиниб, олувчининг ҳисоб-китоб ҳисоб варагига ёзилганда қўлланилади. Бунда фақат кредитор ўзгаради, холос.

Қарзни беришнинг иккинчи шакли бир банк доирасида корхона ссуда берилиб ва у унинг мол етказиб берувчиси олдин олган ссудани қайтаришга йўналтирилгандаги банк кредити учун характерлидир. Бунда эса бир кредитор (банк)да кредит бўйича қарздорларнинг ссудавий қарзи ўзгаради.

Кредит мажбуриятларини ўтказиш йўли билан тўлов усули амалиётда, асосан, биринчи шакл бўйича қўлланилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кредит мажбуриятларини ўтказиш йўли билан тўловлар усулини қўллаб, банклар маълум бир даврларда кассадаги ва Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисоб варагидаги пулларнинг қолдиғидан фойдаланмасдан туриб ва шунингдек, шу ҳисоб варакда пуллар бўлмагандаги ҳам ўз мижозларининг нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга ошириши мумкин. Бу ерда мавжуд бўлган умумий қонуниятни, бизнингча, қуидагича ифодалаш мумкин: банклар томонидан кредит мажбуриятларини ўтказиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қанчалик кўп амалга оширилса, тўлов айланмасидаги пулларнинг иқтисод қилиниши шунча юқори, банк шунча барқарор бўлади ва у шунчалик ишонч ва дадиллик асосида ўз ресурслари билан маневр қилиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида, ҳатто аукционларда ҳам кредит мажбуриятлари оммавий тарзда сотилишини ҳамма вақт ҳам оқлаб бўлмайди, чунки жуда кўпчилик ҳолатларда муддати ўтказиб юборилган кредит мажбуриятлари ўзаролик характеристига эга. Бу эса, ўз навбатида, клиринг ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш йўли билан тўловларни амалга ошириш усулининг кенг қўлланилишини талаб қиласи.

Клиринг ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш, асосан, Марказий банкнинг автоматлаштирилган тизимларида тижорат банклари ўртасида амалга оширилади. Шунингдек, қатор йирик банклар ва маҳсус тузилган муассасалар ҳам ҳисобга олиш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Қарзларни ўтказиш учун фойдаланилган мажбуриятларнинг уларни чиқаришнинг бошланғич нуқтасига қайтиш зарурлиги ўзаро талабларни ҳисобга олишнинг қонунияти ҳисобланади. Бу қонуниядан шундай хулоса келиб чиқадики, агар ҳисобга олиш ҳисоб вараклари бўйича кредитли қолдиқ дебетли қолдиқни қайтариш учун йўналтирилса, яъни мажбурият, қийматнинг пул шаклини айланиб ўтиб, ўзининг бошланғич нуқтасига қайтса банклараро ҳисобга олишлар ўзининг номланишига тўлиқ мос келади. Бироқ воқеликнинг бундай содир бўлиши нореал ҳисобланади, чунки дебетли ва кредитли қолдиқка эга бўлганлар ўртасида, одатда тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам якуний тўлов мажбуриятларини уларни чиқарилишининг бошланғич нуқтасига йўналтирилиши, идеал кўринишида, алмашув воситаси ёрдамида амалга оширилади: дебетли қолдиқ тўловчиларни ҳисоб варакларидан қайтарилади, кредитли қолдиқлар эса ҳисобга олишлар бўйича маблағларни олувчиларнинг ҳисоб варакларига ёзилади.

Кўп томонламали ҳисобга олишлар доимий равишдаги ва бир марталик ҳисобга олишларга бўлинади. Доимий равишдаги ҳисобга олишлар,

одатда, клиринг палаталарида амалга оширилса, бир мартали кўп томонламали ҳисобга олишлар эса тармоқлар, минтақалар ва мамлакат миқёсида амалга оширилиши мумкин.

Қарор топган амалиётта мувофик, клиринг палаталаридағи кўп томонламали банклараро ҳисобга олишлар кун якуни бўйича ҳар куни амалга оширилади ва тугалланади. Улар, айрим ҳолларда эса, операцион кун давомида ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳисобга олишларни амалга ошириш натижасида маълумотларнинг қуидаги уч массиви шакллантирилади: ҳисобга олинган тўлов ҳужжатлари суммаси, ҳисобга олишлар бўйича дебетли ва кредитли қолдиқ. Ҳисобга олишлар бўйича кредитли қолдиқ бу пул маблағларини олувчи банклар дебиторлик қарзларининг кўринишларидан биридир. Ўз навбатида, ҳисобга олишлар бўйича дебетли қолдиқ тўловчи банкларнинг ўзига хос бўлган кредиторлик қарзларини ўзида мужассам этади.

Вужудга келган дебетли қолдиқлар тўловчилар томонидан, албатта, сўндирилиши, кредитли қолдиқлар эса олувчиларнинг ҳисоб варақларига ёзилиши керак. Демак, бундан кўриниб турибдики, клиринг палаталарининг кўп томонламали ҳисобга олиш операциялари муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзларининг вужудга келиш ҳолатларига мос келмайди, уларга мувофик эмас. Бундай ҳисобга олишларнинг тартиби фақат кредитга ва тўловга лаёқатли ҳисобга олиш иштирокчилари учунгина хосдир. Бундай иштирокчилар хўжалиқда таркиб топадиган тўлов муносабатлари субъектлари орасида алоҳида қатламни шакллантиради. Шунинг учун ҳам клиринг иштирокчиларини танлаш масаласи алоҳида долзарб масала ҳисобланиб, бундай иштирокчилар ҳисобга олишларнинг якуни бўйича вужудга келган барча кредиторлик қарзларини ҳисобга олишлар даври чегарасида сўндиришга қодир бўлмоқлари лозим. Бундай қолдиқнинг суммаси, кўп жиҳатдан, ҳисобга олишларнинг самарадорлиги, янада аниқроқ қилиб айтганда, ҳисобга олиш операцияларининг умумий суммасида қолдиқ ўлчамининг салмоғи билан аниқланади.

Ҳисобга олишларнинг самарадорлиги тўловларнинг концентрациялашувига боғлиқки, улар ўз навбатида, тармоқ, тармоқлараро, минтақалар ва минтақалараро иқтисодий алоқаларнинг интенсивлиги билан белгиланади. Шунга кўра, тўловлар қанча кўп концентрациялашса, баланс нисбатан шунча кичик ва демак, муомаладаги тўлов маблағлари шунча кичик бўлади.

Клиринг палаталарида ўзаро талабларни банклараро ҳисобга олишлардан тармоқлараро бир марталик ҳисобга олишлар анча фарқ қиласи. Бу фарқлар қуидагилардан иборат:

- клиринг палаталарида амалга ошириладиган банклараро ҳисобга олишларнинг иштирокчилари таркибида банклар грухи ҳам киритилса, тармоқлар ва тармоқлараро ҳисобга олишларнинг таркиби хўжаликларнинг корхоналаридан иборат бўлади;

- клиринг палаталаридаги ҳисобга олишларнинг давлари мамлакат масштабидаги бир марталик ҳисобга олишларнинг давларига нисбатан, қиёслаб бўлмайдиган даражада, қисқа;

- доимий равища амалга ошириладиган ҳисобга олишларда, асосан, муддатли талаблар сўндирилса, бир марталик ҳисобга олишларда эса, асосан, муддати ўтказиб юборилган тўлов ҳужжатлари узилади сўндирилади. Шунинг учун ҳам доимий ҳисобга олишларнинг қолдиғида, одатда, ҳисоб олиш иштирокчилари муддатли қарзларининг бир қисми, бир марталик ҳисобга олишларнинг қолдиғида эса улар муддати ўтказиб юборилган дебиторлик-кредиторлик қарзларининг бир қисми ўз ифодасини топади.

Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларининг айланишини тезлаштиришда, маблағларнинг бюджет даромадларига ўз вақтига бориб тушишида, муомаладаги пуллар эмиссиясининг қисқаришида тўловнинг факторинг усули ҳам муҳим роль ўйнайди.

Факторинг операциялари жараёнида банк мижознинг талабларини сотиб олади ва қарздордан қарзни талаб бўйича ундиради. Шунинг учун ҳам, бизнинг назаримизда, факторингнинг предмети сифатида пулга бўлган қарзий талаб эътироф этилмоғи лозим.

Факторинг “факторинг ресурслари” деб аталиши мумкин бўлган банк ресурслари ҳисобидан амалга оширилади. Кредит ресурсларидан фарқли ўлароқ нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бир қатор муаммоларини ҳал этиш учун тўлов айланмасида фойдаланилаётган тижорат банкларининг факторинг ресурслари ҳисоб-китоблар тизимининг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш асосий мақсадларидан бири бўлган ҳар бир мамлакатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ресурслари ҳисобидан тўлдириб борилмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида, факторинг ресурсларига ҳаракатланишнинг ўзига хос шакли хос эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Чунки банк факторинги бу банк томонидан қарзий талабларни пулга сотиб олиш йўли билан тўловни амалга ошириш усулидир.

Бошқа шароитлар teng бўлган тақдирда, факторинг операцияларининг ҳажмига товар-пул муносабатларининг кенгайиши, иқтисодий инқрорознинг кескинлашуви, кўплаб корхоналар харажатларининг ўсиши, тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилишларнинг кескин қисқариши турли даражада (ижобий, салбий) таъсир қилиши мумкин.

Тижорат банкларининг факторинг операцияларига йўналтирилган факторинг ресурслари (ўз ва қарзий) мол етказиб берувчи корхоналарнинг ҳисоб-китобларга жалб қилинган айланма маблағларини қоплайди. Бу ерда факторинг ресурслари, банк капиталига хос бўлган функцияни бажара туриб, ишлаб чиқариш соҳасидан маблағларнинг бошқа мақсадларга жалб қилинишига тўсқинлик қиласи. Агар факторинг бўйича шартномада регресс ҳуқуқи, яъни банк томонидан мол етказиб берувчига олдин воз кечилган талабни қайтариш, кўзда тутилмаган бўлса, факторинг бўйича тўлов мол етказиб берувчи учун реализация қилинадиган товарлар бўйича маблағлар доиравий айланишининг якунига етганлигини англатади.

Факторинг қарзий талабларнинг барча шаклларидан фойдаланиш билан қўлланилиши мумкин. Бироқ ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида факторингнинг энг оммавий предмети сифатида чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш

шакли ҳисобланади. Чеклардан фойдаланиш орқали факторинг операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири шуки, чекга эгалик қилувчининг банки ундан чекни сотиб олиб, бевосита тўлов муносабатларига охирги тўловчи (чекни берувчи) билан эмас, балки унинг банки (оралиқ тўловчи) билан киришади. Тўғри расмийлаштирилган чек чек берувчининг ҳисоб варагида ёки унинг банки ҳисоб варагида тегишли пул суммалари мавжуд бўлмаса, тўланмаслиги мумкин. Шу муносабат билан ана шу асосда чекни депонентлаштириш ва уни тўлаш муддатлари ўртасида фарқ – флоут – пайдо бўлади. Ўз навбатида, флоут, дебитор корхоналарнинг ҳаракатланиш имкониятларини (маневрилигини) оширади, банклар факторинг операциялари масштабининг кенгайишига олиб келади ва хўжалиқда йирик нодавлат қарзларини шакллантиради.

Келгусида тўловларнинг факторинг усулини таъминловчи тижорат банклари факторинг ресурсларининг айланувчанлиги тезлигини ошириш, флоутни қисқартириш, чекли ҳисоб-китобларни тезлаштириш, электронли чекларга ўтиш зарур.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, тўловнинг барча усуллари унинг манбаига асосланади. Тўлов манбаларининг миқдори ва сифати тўлов айланмасининг самарадорлигини, унинг иқтисодиётга таъсири этиш кучини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sayfiddinov, I., & Sa'Dullayeva, M. A. (2020). Importance of income taxation of commercial banks. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-2), 148-150.
2. Sayfiddinov, I., & Sotvoldiyev, K. Y. (2019). Expansion non-cash payments in Uzbekistan. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 27-29.
3. Сайфиддинов, И., & Ахмедова, Д. (2020). Глобал иқтисодий инқизор шароитида тўловсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари. Экономика и инновационные технологии, (1), 37-43.
4. Sayfidinov, I. F., & Sheraliev, A. (2019). Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country. Economics and Innovative Technologies, 2019(6), 4.
5. Sayfiddinov, I., & Isroilov, R. A. (2019). Expansion of the practice of bank plastic cards. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 24-26.
6. Karaliyev, T. M., Sattorov, O. B., & Sayfiddinov, I. F. (2016). Bank faoliyatini tahlili. o'quv qo'llanma.
7. Fayziddinovich, S. I. (2022). Ways to solve non-payment problems. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(5), 7-11.
8. Fayziddinovich, S. I., & Alibekovich, D. S. (2021). Ways to overcome the problems of insolvency in the conditions of current global economic crisis. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(2), 28-33.
9. Сайфиддинов, И., & Ахмедова, Д. (2020). Глобал иқтисодий инқизор шароитида тўловсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари. Экономика и инновационные технологии, (1), 37-43.
10. Sayfidinov, I. F., & Sheraliev, A. (2019). Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country. Economics and Innovative Technologies, 2019(6), 4.

11. Sayfiddinov, I., & Isroilov, R. A. (2019). Expansion of the practice of bank plastic cards. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 24-26.
12. Fayziddinovic, S. I. (2024). The Role of Payment and Payment Flows in Determining the Nature of the Payment Circuit. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(4), 39-42.
13. Sayfiddinov, I. F. (2023). WAYS TO SOLVE NON-PAYMENT PROBLEMS. Educational Research in Universal Sciences, 2(4), 409-414.
14. Fayziddinovich, S. I. (2023). DETERMINING THE NATURE OF THE PAYMENT CIRCUIT THE ROLE OF PAYMENT AND PAYMENT FLOWS. World Economics and Finance Bulletin, 23, 81-84.
15. Fayziddinovich, S. I. (2022). Pension system and its types in practice of foreign countries. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(5), 1-6.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

